КУТУБХОНАСИ
ТАЛИМОТЛАР ИНСТИТУТИ

2007 ЙИЛ, 25 ЯНВАРЬ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 17 (10.826) Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбари томонидан парламентга кўриб чиқиш учун киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун ва яна бошқа Қонун лойиҳалари муҳокамасининг якуни ва уларнинг тарғибот-ташвиқоти масалалари юзасидан фикр алмашилди.

● Республика Бадиий академияси, Бадиий ижодкорлар уюшмаси фотосекцияси ташаббуси билан Тошкент Фотосуратлар уйида «Мард ўғлонлар қўриқлар она-Ватанни» номли бадиий-ҳужжатли суратлар кўргазмаси очилди. Юздан ортиқ фотосуратларни ўз ичига олган мазкур кўргазмада мустақил Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 15 йиллик тарихи ва ҳаётининг ёрқин дақиқалари акс эттирилган.

● Поп туманидаги «Ўзбекистон ўрамли томёпқич ашёлари комбинати» очиқ акциядорлик жамияти қоғоз ва сомондан зарур қурилиш материали — ДВП ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бундан ташқари корхонада қорақоғоз ишлаб чиқариш, картонга қўшиладиган қоғоз миқдорини тежаш ҳам йўлга қўйилди.

● Қарши шаҳрида Ички ишлар ва Халқ таълими вазирликлари, Қашқадарё вилоят Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси ва «Камолот» ЁИҲ вилоят Кенгашлари ташаббуси билан ўтказилган «Энг намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунларига бағишланган тадбир бўлди. Когон тумани «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги милиция таянч пункти танлов ғолиби деб топилди.

● Шаҳрисабз туманида «Бобур мева-сабзавот» янги агрофирмаси ўз фаолиятини бошлади. «Авазмалик-консерва» МЧЖ томонидан фермер хўжаликлари билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу агрофирма мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаб, консерваларни Россия бозорларига жўнатиш билан шуғулланади. Янги корхона юқори самарали хорижий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

ЖАҲОНДА

● Шимолий Корея Эроннинг ерости ядровий синовларини ўтказишига яқиндан ёрдам беражагини билдирди, дея ёзади The Telegraph газетаси. Манбаада келтирилишича, шу кунларда икки давлат ўртасида битим имзоланган бўлиб, томонлар ўзаро ахборот алмашишга, шунингдек, ўтган йил октябрь ойида Шимолий Кореяда ўтказилган ерости ядро синовларининг натижалари билан ўртоқлашишга келишиб олишган.

● АҚШ Президенти Жорж Буш Конгресснинг юқори ва қуйи палаталари депутатлари ҳузурида чиқиш қилди. Мамлакатнинг ички ва ташқи иқтисодий-сиёсий ҳаётига оид қатор масалаларга бирма-бир тўхталиб ўтган Президент халқаро терроризмга қарши кураш муваффақиятли кечаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

● Бағдод яқинида вертолётнинг қулаб тушиши оқибатида унинг бортидаги беш нафар киши ҳалок бўлган. Дастлабки маълумотларга кўра ҳалок бўлганларнинг барчаси АҚШ фуқароларидир. «Ироқ Ислом армияси» гуруҳи вертолётнинг қулаб тушишига жавобгарликни ўз зиммасига олган.

● Ер орбитасига учирилган ҳинд сунъий йўлдоши коинотдан муваффақиятли қайтиб келди, деб ёзади The Hindu нашри. 10 январь куни учирилган, вазни 550 килограмм бўлган космик капсула Бенгал қўлтиғига тушган. Ҳиндистон космик тадқиқотлар ташкилоти вакилининг айтишича, космик сунъий йўлдош устида мутахассислар салкам тўрт йил давомида тер тўкишган.

● Кеча Россиянинг Оренбург областида «Сизран-Ульяновск-Кинель-Оренбург» йўналиши бўйича ҳаракатланаётган юк ташувчи поезднинг 36 та вагони рельсдан чиқиб қулаган. Ҳалокат оқибатида ҳеч ким жабрланмаган бўлса-да, вагонлардан оқиб кетган мазут 1,5 минг квадрат метр майдонни қоплаган. Ҳалокат сабаблари аниқланмоқда.

● Профессионаллар ўртасида ўта оғир вазнда жаҳон чемпиони россиялик Николай Валуев кинорежиссёр Виктор Янковский ишлаган «Схватка без правил» номли ўткир сюжетли бадиий фильмда бош қаҳрамон образини яратди. Мазкур фильм тақдимоти жорий ойнинг сўнгги кунларида ўтказилади.

ДАВЛАТ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ СИНГАПУР РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СЕЛЛАПАН РАМ НАТАННИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН 24 ЯНВАРЬ КУНИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН СИНГАПУРГА ЖЎНАБ КЕТДИ.

Давлатимиз раҳбари сафар олдидан Тошкент аэропортида журналистлар билан мулоқотда ташрифдан кўзланган мақсад ва Ўзбекистон — Сингапур муносабатларининг истиқболлари ҳақида сўзлади.

— XXI аср – Осиё тараққиёти асридир, десак муболаға бўлмайди, — деди Ислом Каримов. — Қитъанинг доврўқ қозонган бир қатор давлатлари юксак тараққиёт суръатлари ва самаралари борасида эришаётган улкан ютуқлари буни яққол тасдиқлайди. Бу давлатлар ривожланишидаги ўзига хослик ўсиш суръатларининг барқарорлиги, тараққиётнинг чуқур ва мустаҳкам пойдеворга таянгани билан алоҳида ажралиб туради.

Сингапур – ана шундай давлатларнинг биридир. Жануби-Шарқий Осиёдаги кичик ороллар жойлашган бу давлат дунёдаги энг бадавлат мамлакатлардан бири ҳисобланади. Ушбу мамлакат, аввало, транспорт ва коммуникация соҳасида катта тараққиётга эришган. Савдо, банк-молия ва хизмат кўрсатиш соҳаларида жуда катта салоҳиятга эга. Юксак технологиялар, замонавий ахборот-телекоммуникация технологиялари борасида дунёнинг етакчи давлатлари қаторида туради. Шунингдек, хорижий сармоя жалб этиш ва ўз сармоясини хорижий мамлакатларга киритиш борасида салмоқли натижаларга эришмоқда.

«Сингапур мўъжизаси»нинг эътиборли жиҳати шундаки, у тарихан қисқа давр ичида қашшоқ мамлакатдан дунёдаги энг тараққий этган ва барқарор ривожланаётган давлатлар даражасига кўтарилди. Юртбошимиз бу ютуқларга қандай, ниманинг ҳисобидан эришилганлигини таҳлил қилиш ўринли эканига эътиборни қаратди.

— Биринчидан, Сингапур ўз мустақиллигининг бошиданоқ ривожланишнинг тўғри йўлини танлаб олган, чуқур ўйланган дастур ишлаб чиққан, — деди Ислом Каримов. - Бу прагматик модель ҳаётнинг барча жабҳаларини тўла қамраб олишига ва амалда кенг, қатъий татбиқ этилишига жиддий эътибор қаратилди. Иккинчидан, Сингапур ўз тараққиёти учун қулай ва зарур бўлган барқарор ижтимоий-сиёсий муҳитни таъминлай олди. Учинчидан, ҳар томонлама кучли ижтимоий сиёсатни давлат сиёсатининг устувор масаласи деб қарагани ҳам унинг ана шундай юксак натижаларга эришишида муҳим аҳамият касб этди.

Сингапур бу ютуқларга инқилобий сакрашларсиз, тадрижийлик, босқичма-босқич ривожланиш йўлидан дадил боргани туфайли эришганини кузатиш мумкин.

Ушбу давлат таълим-тарбия масаласига катта аҳамият қаратганини алоҳида таъкидлаш лозим. Давлат томонидан таълим тизимига, ўқув масканларига катта имтиёзлар берилган, аҳоли, айниқса, ёшларни таълим олишга, касб эгаллашга рағбатлантириш имкониятлари таъминланган. Халқнинг маданиятини, маърифатини, сиёсий савиясини юксалтиришга эътибор жиҳатидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгиланишларга хос «Ислоҳотлар – ислоҳотлар учун эмас, ислоҳотлар - инсон учун!» деган шиорга амал қилиниши қандай самаралар беришини Сингапур мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистон билан Сингапур ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига ўн йил тўлди. Давлатларимиз ўртасидаги савдо-сотиқ ҳажми 2006 йили 100 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Юртимизда Сингапур инвестицияси иштирокида 12 та қўшма корхона ишлаб турибди.

Ташриф давомида Президентимизнинг Сингапур Президенти, ҳукумати, парламенти раҳбарлари, шунингдек, бизнес соҳаси вакиллари билан учрашувлари кўзда тутилган.

— Сингапурга давлат ташрифи доирасида бўлиб ўтадиган учрашувлар ва имзоланадиган ҳужжатларнинг Ўзбекистон манфаатлари учун аҳамияти катта бўлади, — деди давлатимиз раҳбари. — Ўйлайманки, бу ташриф Ўзбекистоннинг Осиё қитъасидаги жадал ривожланаётган энг илғор давлатлардан бири билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлади.

ЎзА

***

СИНГАПУР, 24 ЯНВАРЬ. ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ АНВАР БОБОЕВ ХАБАР ҚИЛАДИ: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Сингапурга етиб келди. Мамлакатимиз раҳбарининг давлат ташрифига алоҳида эътибор берилиб, катта тайёргарлик кўрилгани «Чанги» халқаро аэропортида яққол кўзга ташланди. Сингапурнинг бош ҳаво дарвозаси икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари ўтирган автомобиллар карвони шаҳар сари йўл олди. Сингапур кўчаларида Ўзбекистон ва Сингапурнинг давлат байроқлари ҳилпираб, чорловчи шиорлар порлайди.

Ислом Каримов ўзи учун ажратилган қароргоҳга жойлашди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 25 январь куни бўлиб ўтади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Сингапур Республикаси Президенти Селлапан Рам Натан ва мамлакатнинг бошқа расмий кишилари билан музокаралар ўтказади. Ташриф асносида Ўзбекистон — Сингапур ҳамкорлигини кенгайтиришга хизмат қиладиган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

....САМОЛЁТ САМОГА ПАРВОЗ ҚИЛИШ УЧУН УЧИШ ЙЎЛИ ТОМОН АСТА БУРИЛДИ. ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БАЙРОҒИ АКС ЭТГАН УЛКАН ПЎЛАТ ҚУШ БИР НЕЧА СОНИЯДАН СЎНГ ОСМОНИ ФАЛАККА КЎТАРИЛДИ. ЛАЙНЕР БАЛАНДЛИККА КАТТА ТЕЗЛИКДА КЎТАРИЛСА-ДА, ЯНА БИР ҚАНЧА ВАҚТ УНИНГ ЁНБОШИДАГИ "UZBEKISTON" ДЕГАН ДИЛГА ЯҚИН ЁЗУВ ҚУЁШ ШУЪЛАСИДА ЯРҚИРАБ ТУРДИ...

ПАРВОЗИНГИЗ ЮКСАК БЎЛАВЕРСИН

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ташкил этилганига 15 йил тўлди.

Бизнесмен дўстим Владимир Новиков билан аэропортда ушбу манзарани кузатдик ва самолёт булутлар орасида ғойиб бўлгач, у менга шундай деди:

— Биласанми, мен иш юзасидан хорижий мамлакатларга тез-тез бориб тураман. Дунёнинг барча жойларидан минг-минглаб йўловчилар келадиган турли аэропортлар ва аэровокзалларда миллий авиакомпаниямизнинг Ўзбекистон рамзи ва эмблемаси туширилган замонавий самолётлари учиш майдонида виқор билан турганини кўраман. Бундай пайтларда вужудимни Ватанимиз Ўзбекистон билан фахрланиш туйғулари чулғаб олади. Шунда "Мамлакатимиз авиакомпанияси ҳам дунёда суверен Ўзбекистонни муносиб намоён этмоқда. Бу ҳам мустақиллигимизнинг яна бир неъматидир", деган ўй хаёлимдан кечади.

Мустақилликка эришганимизга 15 йил бўлди, бу тарих нуқтаи назаридан, албатта ниҳоятда қисқа муддат эмас. Аммо биргина "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси эришган ютуқларни эътиборга оладиган бўлсак, ўтган вақт ичида кўп ишлар қилинди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 1992 йил 28 январда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпаниясини ташкил этиш тўғрисидаги фармони имзолади ва у миллий авиаташувчи мақомини олди. Мамлакатимиз ИКАО – Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Миллий авиакомпаниямиз эса Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси – ИАТАда рўйхатдан ўтди.

Шундан буён ўтган вақт мобайнида миллий авиакомпаниямиз қитъанинг етакчи авиаташувчилари қаторига қўшилди. Ўзбекистон ҳаво лайнерлари дунёнинг 40 дан ортиқ шаҳрига парвоз қилмоқда. 24 мамлакатда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" компаниясининг ваколатхоналари очилган, ўнлаб компания ва фирмалар у билан ҳамкорлик қилмоқда. Ҳар куни ўнлаб рейслар амалга оширилмоқда, бир йилда 2 миллионга яқин йўловчи ташилмоқда.

Авиакомпания ташкил этилган пайтда унинг паркини 1970-1980 йилларда ишлаб чиқарилган анчайин эскирган самолётлар ташкил этарди. Уларга кўп ёқилғи сарфланар, йўловчилар учун яратилган қулайликлар ҳам талаб даражасида эмасди. Шубҳасиз, ҳаво кемалари паркини тубдан янгиламасдан туриб дунё авиаташувчилар бозоридан жой олиш қийин эди.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан Республика фуқаролик авиациясини ривожлантириш давлат дастури ишлаб чиқилди. Унда самолёт паркини модернизация қилиш, Ғарбда ишлаб чиқарилган лайнерларга техник хизмат кўрсатиш бўйича замонавий база ташкил этиш, ер усти инфратузилмасини ривожлантириш, парвозларни бошқариш тизимини тубдан реконструкция қилиш, ўзимизда юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш кўзда тутилган эди.

Авиакомпания хорижий кредитларни жалб қилиш эвазига самолёт паркини модернизация қилди. Бугун миллий авиакомпанияда 16 та замонавий ҳаво кемаси бор. Булар Америка Қўшма Штатларида ишлаб чиқарилган "Боинг-767-300 ER" ва "Боинг-757-200", Европа мамлакатларида ишлаб чиқарилган "А-310" ва "RJ-85" самолётларидир. Улар хорижий мамлакатларга юк ва йўловчи ташишларнинг деярли ҳаммаси, республика ичида эса рейсларнинг бир қисмини амалга оширмоқда. Ҳозир уларнинг сафига "В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акционерлик жамиятида ишлаб чиқарилган ўрта масофага учувчи "Ил-114-100" ва "Ил-76" юк самолётлари ҳам қўшилди. Шу тарика тижорат мақсадларида юк ва йўловчи ташиш ҳажми билан парвозлар олислиги ўртасидаги мутаносибликка, ёқилғидан самарали фойдаланишга, қулайлик ва хавфсизликка эришилди.

Янги турдаги самолётлардан фойдаланиш ер устидаги техник базани янгилашни талаб этди. Ҳукумат дастурига мувофиқ пойтахтимиз ва қатор вилоят марказларидаги аэропортлар тўлиқ модернизация қилинди. "Тошкент" аэропортидан ташқари, миллий авиакомпания таркибига кирадиган 12 та аэропортдан мамлакатимизнинг сайёҳлик марказларида жойлашган "Самарқанд", "Бухоро", "Урганч" ва "Термиз" аэропортлари халқаро мақомга эга бўлди. Бу аэропортларнинг учиш-қўниш йўллари ва терминаллари реконструкция қилинганидан сўнг барча турдаги замонавий авиалайнерларни қабул қилиш имконияти яратилди.

"Тошкент" Марказий Осиёдаги энг йирик аэропорт ҳисобланади. Мамлакатимизда халқаро йўловчи ташишнинг қарийб 90 фоизи мазкур аэропорт орқали амалга оширилади. У ИКАО андозаларига тўла мувофиқ тарзда таъмирланган. Аэропортни замонавий техника билан жиҳозлаш давом этмоқда. Унинг транзит залида йўловчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича модернизация ишлари бошланди.

(Давоми 2-бетда)

БЕНИЛЮКС МАМЛАКАТЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЙЁҲЛИК ИМКОНИЯТЛАРИ ТАҚДИМОТИ

СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА БЕНИЛЮКС МАМЛАКАТЛАРИ—БЕЛЬГИЯ, НИДЕРЛАНДИЯ ВА ЛЮКСЕМБУРГ ФУҚАРОЛАРИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОНГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШ СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА ОРТИБ БОРМОҚДА. УШБУ ДАВЛАТЛАРДА ҲАР ЙИЛИ АНЪАНАВИЙ ТАРЗДА ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН КЎРГАЗМАЛАР ҲАМ БУНДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИ.

Яқинда Голландиянинг Утрехт шаҳрида «Vacantiebeurs—2007» 36-халқаро сайёҳлик кўргазмаси бўлиб ўди. 200 мингдан зиёд меҳмон ташриф буюрган тадбирда 80 дан ортиқ мамлакатнинг 200 дан кўпроқ сайёҳлик компанияси иштирок этди. Голландиянинг тўртта йирик сайёҳлик компанияси—«Djoser», «Passaat Verre Reizen», «Baodad Reizen» ва «Asia Travel» вакиллари томонидан тақдим этилган Ўзбекистон бўлими «Vacantiebeurs—2007»га ташриф буюрганларда катта қизиқиш уйғотди.

«Djoser» компанияси президенти Херман Ван дер Вельде ва «Passaat Verre Reizen» компанияси вакили Д.Ремезваал «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда Ўзбекистондаги ноёб меъморчилик ёдгорликлари ҳамда юртимизнинг сайёҳлик инфратузилмаси тобора ривожланиб бораётгани туфайли мамлакатимизга ташриф буюриш истагида бўлган голландиялик сайёҳлар сони мунтазам ўсиб бораётганини қайд этди.

—Ўзбекистон ҳукумати сайёҳлик соҳасини ривожлантириш ва уни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратаётгани ўзбек диёрига сафар қилаётган чет эллик сайёҳларнинг сезиларли даражада кўпайиши учун ишончли асос яратаётир,—дея таъкидлади «Baodad Reizen» сайёҳлик компанияси туроператори Роб Шольтен.

Бельгиянинг энг йирик туроператори «НОВО Reizen» томонидан ушбу мамлакатнинг Лувен шаҳридаги «Brabant Hall» кўргазмалар залида ташкил этилган 19-анъанавий сайёҳлик ярмаркаси ҳам диққатга сазовар воқеа бўлди. Унда дунёнинг ўттиздан зиёд мамлакати, жумладан Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятини акс эттирувчи маълумотлар тақдим этилди. Юртимизга бағишланган стендда ўзбек халқ амалий санъати намуналари ҳамда мамлакатимизнинг бой тарихий ва маданий мероси ҳақида ҳикоя қилувчи турли ахборот материаллари намойиш этилди. Тадбир давомида шунингдек, Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчихонаси томонидан махсус тақдимот маросими ташкил қилиниб, унда меҳмонлар эътиборига юртимиз сайёҳлик соҳасининг ривожи тўғрисидаги маълумотлар ҳавола этилди ва мамлакатимиз тўғрисидаги видеофильм намойиши бўлиб ўтди.

—Ўзбекистон турли дин, маданият ва этник гуруҳлар вакиллари тинч-тотув яшаб келаётганининг ёрқин мисолидир. Меҳмондўст халқи, гўзал манзаралари ва кўплаб қадимий ёдгорликларга эга тарихий шаҳарлари Ўзбекистонда сайёҳликни янада ривожлантириш учун мустаҳкам асос яратмоқда,—дея қайд этди «НОВО Reizen» компанияси вакили А.ван Бритс.

Азим МУҲАММАДЖОНОВ,
«Жаҳон» АА мухбири
Брюссель.

Қисқа сатрларда

● **ЎТГАН** куни Собир Раҳимов политехника касб-ҳунар коллежи ўқувчилари иштирокида бўлиб ўтган семинар-тренинг "Ўзбекистоннинг Ислом дунёсида тутган ўрни ва Тошкент — Ислом маданиятининг умумжаҳон пойтахти" деб номланди.

● **БУГУН** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 3-талабалар турар жойида талабалар иштирокида "Экологик вазият ёшлар талқинида" мавзуида ўтказилган семинар-тренинг "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси "Маънавият ва маърифат" маркази қошидаги "Ёш экологлар" ҳамда "Нотиқлар" клублари ҳамкорликларида уюштирилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 26 январь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб айрим жойларда туман тушади. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-2 даража совуқ, кундузи 8-10 даража илиқ бўлади.

ШАҲАР ХЎЖАЛИГИ: истиқбол ва режалар

Ислоҳотлар оқимида

САМАРАСИНИ БЕРМОҚДА

ҲАР ҚАНДАЙ ХИЗМАТНИНГ СИФАТЛИ БЎЛГАНИ, ИСТЕЪМОЛЧИ ТАЛАБИНИ ҚОНДИРГАНИ, ТАЛАБГА ЖАВОБ БЕРГАНИ ЯХШИ-ДА. АНА ШУНДА ИСТЕЪМОЛЧИ ҲАМ ХИЗМАТГА ЯРАША ҲАҚ ТЎЛАЁТГАНИДАН АФСУСЛАНМАЙДИ, ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ЭСА ОДАМЛАР ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛАЁТГАНИДАН МАМНУН ҲОЛДА МЕҲНАТ ҚИЛАДИ

Кўпчилик юқори қаватли уйларда яшовчи хонадон эгаларига яхши маълумки, айниқса лифт борасидаги муаммолар яшовчиларни ранжитади. Ахир оғиру енгил рўзғор халталарию ёш болаларни лифт ишламай қолганда 8-9-қаватларга кўтариб чиқишнинг ўзи бўладими? Қария ва ногиронлар учун эса бу ҳол икки баравар мушкуллик туғдиради. Кўпинча шикоятлар эгасига етиб, лифт тузалгунга қадар ҳафталар, ҳаттоки ойлар ҳам ўтади.

Шуниси қувонарлики, Мирзо Улуғбек туманида фаолият кўрсатаётган «Олтинсой таъмир сервис» масъулияти чекланган жамияти —профессионал бошқарув компанияси билан шартнома асосида ишлаётган хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларидаги кўп қаватли уйларда ана шундай лифт муаммосига чек қўйилди, десак ҳам бўлади. Лифт хизмати кўрсатиш учун ҳам лицензияга эга бўлган мазкур жамоада малакали лифт усталари танланганлиги хизматни намунали ташкил этишда қўл келмоқда. Улар уйлардаги мавжуд 55 та лифтга хизмат кўрсатиб, диспетчер хонасидан туриб уларни бошқаради. Ана шу даврда бирорта носозлик маълум бўлса, дарҳол уларни бартараф этиш чоралари кўрилади. Бу, албатта ҳам яшовчилар учун қулайлик саналса, шунинг баробарида анчагина маблағни иқтисод қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Компаниямиз билан шартнома тузган ширкатлардаги уйларга лифт хизмати кўрсатишни ҳам ташкил этганимиз натижасида ушбу хизмат учун ойига тўланадиган 1,2 миллион сўм маблағнинг маълум миқдорини иқтисод қилишга эришмоқдамиз, — дейди компания раҳбари Баҳодир Юзбоев. — Шунингдек, сифатли хизмат кўрсатишга ҳам муваффақ бўляпмиз. Бу эса шикоят ва асаббузарликларнинг олдини олмоқда. Навбатдаги режаларимиздан бири—яқинда лифт двигателларини созлаш бўйича цех очмоқчимиз. Ушбу созлаш (обмотка) цехида нафақат ўзимиз шартнома тузган уйлар, балки ён-атрофдаги бошқа ширкатларнинг буюртмаларини ҳам бажаришни, шу асосда қўшимча даромад топишни кўзлаганмиз. Албатта, қўшимча даромадни компанияни ривожлантириш йўлида сарфлаб, янги техникалар ҳам сотиб оламиз. Бу сифатли ва намунали хизматда ўз самарасини бериши, шубҳасиз.

Шарофат БАҲРОМОВА

СУРАТЛАРДА: компания бош ҳисобчиси Дилором Турсунбоева, ҳисобчи Дилфуза Эрназарова ва диспетчер Лола Обидова; лифт устаси — пульт бошқарувчи Лариса Вагина иш устида.

Бурчларимиз

ТЎЛОВЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛАНГ

ЭШИК ҚЎНҒИРОҒИ ЖИРИНГЛАДИ. ТИРҚИШДАН МЎРАЛАГАН ХОНАДОН ЭГАСИ СЕКИН ОРҚАСИГА ҚАЙТДИ. «Э, ЯНА СУВДАНМИ, ГАЗДАНМИ КЕЛИШИБДИ, ШЕКИЛЛИ. ШУЛАР ҲАМ ЖОНГА ТЕГИБ КЕТДИ», ДЕЯ НОЛИДИ. «ҚЎЯВЕР ОЧМА, ТУРИБ-ТУРИБ КЕТИШАДИ. БИР КУН ТЎЛАРМИЗ, ҚОЧИБ КЕТМАЙМИЗ-КУ», БЕПАРВО ҚЎЛ СИЛТАДИ ТУРМУШ ЎРТОҒИ...

Бундай хизматдан беминнат фойдаланиб, лекин ҳақини тўлашда лоқайдлик қилаётган ҳамшаҳарларимиз сифатли коммунал хизматларни ташкил этишга зарар етказаётганини билишмайди. Лекин хонадонларида бир кун газ ёки сув бўлмай қолса, керакли ташкилотларга югуришни, дўқ қилиб талаб этишни жуда яхши билишади. Ахир носозликларни ўз вақтида тузатишнинг ўзи бўлмайди. Ҳар бир эҳтиёт қисм маблағ талаб этади. Агарда истеъмолчи хизмат ҳақини вақтида тўламаса, ана шу маблағ ҳам тўпланмайди, бу эса сифатга таъсир этади, носозлик эса номигагина бажарилади. Буни ҳар бир ҳамшаҳримиз вақтида тушуниб, тўловларни бажаришса ўзларига ҳам, коммунал хизмат соҳаси ходимларига ҳам яхши бўлади.

Лекин истеъмолчилар орасида ҳали буни англаб етмаган, ёки билсада билмасликка оладиганлар учраб турибди. Биргина табиий газни оладиган бўлсак, ҳар бир хонадонда у беминнат дастёрлигини ҳеч ким инкор этмайди. Шу боис ҳам унинг қадрига етиш, ҳақини тўлаб қўйиш истеъмолчининг бурчи ҳисобланади.

Ҳисобли дўст айрилмас, дея бежизга айтилмайдику. Буни эса Чилонзор тумани, Гулистон кўчаси, 1-уйда яшовчи Ф.Алимова умуман унутиб юборганга ўхшайди. Бўлмаса табиий газдан қарзи 300 минг сўмдан ортиб кетса ҳам бамайлихотир юраверадими? Шунингдек, шу кўчанинг 2-йўлаги 51-уйдан Усмонов 200 минг сўмга яқин, 5-йўлак И.Усмонова кўчаси 63-уйдан К.Аббосов 124.385 сўмлик газ ҳақини тўлашмаган. Ушбу қарздорлар уйларида бир кун эмас, балки 1 соат газ ёнмай қолишини тасаввур қилишсин-чи, қандай аҳволга тушишади. Шу боис лоқайдлик ҳам эви билан-да.

Уйингиз иссиқ бўлса, жўмрагингизни бурасангиз иссиқ сув доимо меъёрида оқиб турса нима учун унинг тўловини бажармаслигингиз керак. Мана шу нарсани Сергели туманидаги айрим қарздорлар билиб қўйишса фойдадан ҳоли бўлмасди. «Сергели-7» 28-уй, 28-хонадондан Жиголко 507.984 сўм, «Сергели-5», 10-уй, 20-хонадондан Х.Фозилов 414.141 сўм, «Сергели-1», 32-уй, 58-хонадондан Д.Абдувоҳидова 423.521 сўм, «Сергели-6», 18-уй, 6-хонадондан К.Жаҳонова 383.325 сўм иссиқлик ва иссиқ сув тўловини бажаришмаган.

Сувни бежизга оби ҳаёт дея таъриф бермаймиз. Чиндан ҳам сув тириклик манбаи ҳисобланади. Унинг қадрига ҳар биримиз исрофгарчилигига йўл қўймасдан ҳамда сарф қилинган ичимлик суви тўловини вақтида бажариб етмоғимиз ҳам қарз, ҳам фарз. Айниқса, бугунги кунда тўловни пайсалга солаётган баъзи истеъмолчилар озгина ҳушёр тортсалар бўларди. Улар жумласига Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 15/1-уй, 20-хонадондан 138.340 сўм қарзи бўлган К.Аҳмедов, Ш.Умаров кўчаси, 11-уйдан 104.294 сўм тўловни адо этмаган К.Сарихонов, Кичик Бешёғоч кўчаси, 4-йўлак, 8-уйдан 193.138 сўм совуқ сув ҳақини тўламай юрган Ж.Михайлова, «Қўйлиқ-4», 33-уй, 55-хонадондан қарзи 80 минг сўмдан ҳам ортиб кетган А.Қурбоновларни киритиш мумкин. Шунингдек, Шайхонтоҳур тумани, Қўқон-Дарбоза кўчаси, 1-уй, 47-хонадондан Х.Ҳидоятова 121.263 сўм, 68-хонадондан М.Раҳмонова 115.874 сўм, 5-хонадондан М.Махамедова 97.400 сўм қарз бўла туриб, пинагини ҳам бузишмаяпти.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кўплаб хонадон соҳибларининг эътиборсизликлари боис «Махсустранс»дан қарзлари ортиб боряпти. Масалан, М.Улуғбек тумани, Гулсанам боши берк кўчаси, 11-уйдан А.Султонова, Шўртепа кўчаси, 266-уйдан А.Исамуҳамедова, «Қорасув-6», 46-уй, 25-хонадондан О.Погурцев, Касаба кўчаси, 32-уйдан Ш.Жўраевларнинг ҳар бири 60-90 минг сўмдан қарзларини тўламаган. Албатта, бу ва шундай қарздорларнинг маблағлари шаҳримиз ободлигига, покизалигини сақлашга сарфланиши керак-ку. Хизматдан фойдаландингизми, ҳақини ҳам вақтида тўлашни унутмангда.

(Ўз мухбиримиз)



Транспорт хизмати

СОЗЛОВЧИЛАР ҲИССАСИ

«7-АВТОБУС САРОЙИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ШАҲРИМИЗНИНГ ЯККАСАРОЙ, ЧИЛОНЗОР, УЧТЕПА, СОБИР РАҲИМОВ ҲАМДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ЗАНГИОТА ТУМАНИ АҲОЛИСИГА 12 ТА ЙЎНАЛИШ БЎЙИЧА НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ.

Ҳамшаҳарларимиз узоғини яқин, оғирини енгил қилиш мақсадида ҳар куни 110 та турли русумдаги автобуслар хизматга шай ҳолда йўлга отланишади. Албатта, ҳар бир транспорт воситасининг техник ҳолатини яхшилашда, носозликларни ўз вақтида бартараф этишда нафақат малакали ҳайдовчиларнинг, балки уларга ҳамиша камарбаста бўлаётган моҳир авточилангарларнинг ҳиссаси салмоқлидир. Улар транспорт воситасидаги ҳар бир носозликни бартараф этишда вақтдан, керакли бутловчи қисмлардан оқилона фойдаланишмоқда. Ҳар бир автобусни қишки мавсумга тахт ҳолга келтиришда ҳам уларнинг улуши катта бўлдики, бу айни кунларда йўловчиларга намунали хизматни ташкил этишда катта роль ўйнамоқда.

Корхонада авточилангарларнинг баракали меҳнат қилишлари учун барча шароитлар яратилган. Улар қиш мавсумида иссиқ кийим билан таъминланган, таъмирлаш цехи эса керакли ускуналар билан жиҳозланган. Буларнинг барчаси автокорхонада иш сифати ва самарадорлигига эришишда қўл келмоқда, йўналишларнинг мунтазамлигига эришилмоқда.

Дилноза СОДИҚОВА

СУРАТЛАРДА: корхона авточилангарлари ўз ишларига масъулият билан ёндашадилар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ ҚУРИЛИШ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИЗЛАНИШЛАРИ ТУФАЙЛИ ЯРАТИЛАЁТГАНЛИГИ БУНЁДКОРЛАРИМИЗГА ҚЎЛ КЕЛИБ, ҚУРИЛИШЛАР КЎЛАМИ ОРТИШИДА, СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИКДА МУҲИМ ҲИССА БЎЛМОҚДА.

Бозор ва харидор

СИФАТЛИ ПАРКЕТЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Ана шундай қурувчиларга мададкор бўлаётган ва ўз маҳсулотлари билан ички бозорда муносиб ўрин эгаллаб бораётган жамоалардан бири пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Хабар-паркет» хусусий корхонасидир. Ўз маҳсулотларининг юқори сифати билан харидорлари ишончига сазовор бўлаётган корхона тадбиркорлари нафақат шаҳримиз, балки мамлакатимиз бўйлаб буюртмаларни сифатли ҳамда вақтида етказиб беришга муваффақ бўлмоқда. Улар бу борада кўплаб қурилиш ташкилотлари билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйган.

— Корхонамизда бугунги кунга келиб 25 нафар киши иш билан таъминланган, — дейди тадбиркор раҳбар Николай Хабаров. — Замонавий технологиялар қувватидан унумли фойдаланган ҳолда ёғочни қайта ишлаш асосида турли кўринишдаги паркетларни тайёрлаб берамиз. Шунингдек, плинтус, штапик, фигурали рейкалар ҳам ишлаб чиқарамиз ва буюртмачи талабига кўра паркет ўрнатиш ишларини ҳам бажарамиз. Энг асосийси эса бугунги бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулотларимизнинг сифати кафолатланган, турларини эса талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб янгилаб борамиз. Бу борада мутахассисларимизнинг изланишлари яхши самара бермоқда. Маҳсулот тайёрлашда сифатга қаратилган эътибор муваффақиятларимиз гарови бўлиб, харидорларимиз сафи ҳам кенгайиб бормоқда.

Чиндан ҳам бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай корхонанинг барқарор фаолиятини белгиловчи асосий омиллардан бири ишлаб чиқарилаётган маҳсулот нархи ва сифати ҳисобланади. Маҳаллий хом ашёдан рақобатбардош маҳсулот тайёрлаб, бунёдкорликдаги пардозлаш юмушларида муҳим ҳисса қўшаётган тадбиркорлар буни яхши билишади.

— Кейинги йилларда юртимизда тадбиркорликка қаратилган юксак эътибор Президентимизнинг қатор Фармон ва Қарорларида яққол аксини топмоқда, — дейди тадбиркор Николай Хабаров. — Биз бундай қўллаб-қувватлаш, фаолиятимизда яратилган эркинлик, ҳуқуқий кафолат ва имтиёзлардан янада тадбиркорлик билан оқилона фойдаланмоғимиз лозим. Ҳар бир фаолият кўрсатаётган тадбиркор иқтисодиёт ривожига муносиб ҳисса қўшишни мақсад қилиб олса, қонун доирасида ишласа, давр билан баб-баравар қадам ташласа муваффақиятларга эришиши, шубҳасиз.

Ҳар бир имкониятдан тадбиркорлик билан фойдаланишга интилаётган корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, шу асосда ёшларни иш билан таъминлаш кўзда тутилган. Энг эзгу мақсад эса мамлакатмизда бунёд этилаётган муҳташам иншоотлар, турар жой биноларига кўрк бағишлашдир.

Шарифа ИЛЁСОВА

ПАРВОЗИНГИЗ ЮКСАК БЎЛАВЕРСИН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Республикамиздаги мавжуд аэропортлар тармоғи мамлакатимиз ичида тезкор ҳаво қатнови, шунингдек, уларнинг хориждаги давлатлар билан алоқасини таъминлайдиган давлат транспорт инфратузилмасининг муҳим қисми саналади.

Парвозлар хавфсизлиги ва мураккаб авиация техникасидан фойдаланиш халқаро талаблари парвозларни бошқаришнинг энг янги тизимини ташкил этишни тақозо қилади. Замонавий фуқаро авиациясининг ушбу зарур таркибий қисми ҳам тўлиқ янгилашга муҳтож эди.

1996 йилнинг декабрида қисқа вақт ичида "Тошкент" халқаро аэропортида Парвозларни бошқаришнинг автоматлаштирилган маркази ишга туширилди. Марказ мутахассислари Франциянинг Руан ва Париж шаҳарларида "Томсон" фирмаси базасида тайёргарликдан ўтди. Ҳозир энг замонавий диспетчерлик ва навигация тизимлари билан жиҳозланган ушбу корхона барча халқаро талабларга мос келади. "Ўзаэронавигация" маркази Ўзбекистоннинг ҳаво кенглигида самолётлар ҳаракатини бошқариш, янги ҳаво йўлларини очиш имконини беради. Йўлдош алоқа тизими эса нафақат Ўзбекистон, балки қўшни давлатлар ҳаво кенглигидаги вазиятни кузатишга имкон яратади. Парвозлар хавфсизлиги ҳам анча ошди.

Айни пайтда Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш марказининг ташкил этилиши яна бир муҳим қадам бўлди. Дунёда бундай самолётларга эга авиакомпаниялар С-4-Check ёки IL- Checkни амалга ошириш учун ("Боинг"ларни ҳар 72 ой ва "А-310" самолётларини эса ҳар 60 ойда капитал таъмирлаш) одатда, ушбу йўналишда ихтисослаштирилган компания ва фирмаларга мурожаат қилади. Дастлаб миллий авиакомпаниямиз лайнерларига ҳам "Lufthanca Technik" компаниясида ана шундай техник хизмат кўрсатилар эди.

1998 йилнинг октябридан техник хизмат кўрсатиш маркази Тошкент авиатаъмирлаш заводи ва миллий авиакомпаниянинг авиация-техник комплекси мутахассисларининг биргаликдаги саъй-ҳаракати туфайли "А-310", 1999 йилдан буён "Боинг-767" ва "RJ-85", 2000 йилдан бошлаб эса "Боинг-757" самолётларига техник хизмат кўрсатиб келмоқда.

2002 йилда Тошкентдаги 243-авиатаъмирлаш заводи "Uzbekistan Airways Tehcnics" авиация корхонасига айлантирилди. Ғарбда ишлаб чиқарилган авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш маркази эса унинг асосий таркибий қисмига айланди. Бу йирик авиакорхона Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича қатор ваколатли миллий, Европа ва халқаро ташкилотлар сертификатлари билан тасдиқланган ҳуқуқни қўлга киритди.

"Uzbekistan Airways Tehcnics" корхонаси миллий авиакомпаниянинг барча турдаги ҳаво кемаларга техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ эҳтиёжини тўлиқ таъминлайди, валюта харажатларини камайтириб, экспорт салоҳиятини ошириш имконини беради. У МДҲ, Марказий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари авиакомпанияларининг ҳам Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларига техник хизмат кўрсатмоқда. Буюртмачиларни бу ердаги юқори савияда техник хизмат кўрсатиш, муддатларга қатъий риоя қилиш, мослашувчан нарх сиёсати ўзига жалб қилмоқда.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" замонавий самолётлар билан таъминлангани, парвозлар хавфсизлиги, авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш даражаси бўйича МДҲда энг яхши компаниялардан бири ҳисобланиши бежиз эмас. Унинг кўплаб мукофотларга сазовор бўлгани ҳам буни исботлайди. 1997 йилда авиакомпаниямиз Халқаро авиация хавфсизлиги жамғармасининг "Парвозлар хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги буюк хизматлари учун" нуфузли дипломи билан тақдирланди. 2000 йилда эса ушбу жамғарманинг парвозлар хавфсизлиги учун фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. Москвада ўтказилган 26-халқаро конференцияда "Тошкент" аэропорти 2003 йилнинг энг яхши аэропорти деб топилди. "Самарқанд" аэропорти ҳам ўз номинациясида шундай номга сазовор бўлди. 2005 йилда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси Жаҳон хавфсизлик жамғармаси президентининг "Парвозлар хавфсизлиги соҳасидаги ютуқлари учун" фахрий дипломи ва "Боинг" компаниясининг ушбу турдаги самолётлардан 10 йил мобайнида фойдаланиш борасида қўлга киритилган "Парвозлар хавфсизлиги ва ишончлилигининг юқори кўрсаткичлари учун" эсдалик нишонига сазовор бўлди.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" бошқа авиакомпаниялардан фарқли ўлароқ, нафақат кенг кўламли авиация хизматларини кўрсатиш, балки аэропортлар мажмуини бошқаришга ҳам ихтисослашган. Унинг учувчи, муҳандис-техниклари, ҳаракат хизмати ходимлари АҚШ ва Европа фуқаро авиациясининг етакчи марказларида назарий ҳамда амалий тайёргарликдан ўтган. Бугунги кунда халқаро сертификатга эга Тошкент ўқув-машғулот маркази ҳам шундай марказлар сирасига киради. Бу ерда ходимларни ўқитиш жараёнида ўз вазифаларини бекамиқўст бажариш кўникмаларига эга бўлиш ва амалий тажриба орттириш имконини берадиган компьютер ўқув дастурлари ва машқ тренажёрларидан фойдаланилади.

Истеъмолчилар талабларини тўлиқ таъминлаш ҳар қандай авиакомпаниянинг устувор вазифаларидан биридир. Миллий авиакомпаниямиз йўловчиларга юқори сифатли хизмат кўрсатишни кафолатлайди. Ўтган йили "Ўзбекистон ҳаво йўллари"ни 2010 йилгача ривожлантириш бўйича махсус комплекс режа қабул қилинди. Йўловчилар учун қулайликлар даражаси ва парвозлар хавфсизлигини оширишга қаратилган кенг кўламли таклиф ҳамда хизматларни амалга ошириш мўлжалланган. Масалан, 2008 йил бошида электрон тўлов хизматларидан фойдаланган ҳолда, чипта сотиб олишнинг янги тизимини жорий этиш режалаштирилмоқда. Энди Ўзбекистонда авиачипталарни Интернет орқали сотиб олиш имконияти пайдо бўлади.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси бош директори Валерий Тяннинг айтишича, авиакомпания ҳаво флотини унификация қилиш ва ҳаво кемалари турлари сонини камайтириш борасида иш олиб бормоқда. Эски самолётлардан деярли фойдаланилмаяпти. "Ан-24" ва "Як-40" самолётлари ўзимизда ишлаб чиқарилган янги "Ил-114-100" лайнерлари билан аста-секин тўлиқ алмаштирилади. Республикамиз рахбарияти авиакомпаниянинг яна 10 та ўрта масофага парвоз қиладиган самолёт сотиб олиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлади. Бу лайнерларни дунёда иккита етакчи "Боинг" ва "Эйрбас" компаниялари ишлаб чиқаради. Бу борада етказиб бериш бўйича энг яхши шартларни таклиф этадиган ва янги машиналардан фойдаланишни тўлиқ таъминлайдиган компания самолётлари танланади.

Халқаро авиаташувлар бозорида рақобат кун сайин кучайиб бормоқда. Бу бозорда авиапаркини ўз вақтида янгилаб, энг янги фойдаланиш тизимларини жорий этадиган, йўловчилар хавфсизлиги ва уларга хизмат кўрсатиш даражасини оширадиган, ўз фаолиятини кенгайтирадиган авиакомпанияларгина муносиб ўрин эгаллайди. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" ҳам айнан шу йўналишда ҳаракат қилишга интилмоқда. Бу борада кўпгина шаҳар ва мамлакатларга парвозлар амалга оширилмоқда, янги йўналишлар очилмоқда. 2006 йилда Ўзбекистон авиакомпанияси Урумчи (Хитой) ва Лахорга (Покистон) авиақатновларни йўлга қўйди. Бошқа рейсларни очиш масалалари ҳам ишлаб чиқилмоқда. Мисол учун, жорий йилда Тошкент — Милан йўналиши бўйича парвозларни ташкил этиш режалаштирилмоқда.

2006 йил якунлари йўловчи ва юк ташиш суръати ўсганлигини кўрсатди. Ўтган йили 1 миллион 700 мингга яқин йўловчи ташилди. Бу эса 2005 йилга нисбатан 1,6 фоиз кўп. 19,4 минг тонна ёқилғи ёки 13,7 миллион доллар тежаб қолинди. Бундай кўрсаткичга эски самолётларни фойдаланишдан олиб ташлаш ва уларни тежамкор техника билан алмаштириш туфайли эришилди.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпанияси 15 йил мобайнида катта ривожланиш йўлини босиб ўтди ва ишонч билан олға ҳаракат қилмоқда. Бугун авиакомпанияда қарийб 14 минг киши, олтмиш миллат вакиллари меҳнат қилмоқда. Улар фуқаро авиациясининг мураккаб кўп тармоқли мажмуи бир маромда ва ишончли фаолият юритиши учун сидқидилдан ишламоқда.

Олдинда янги марралар турибди. Албатта, бу борада қийинчиликлар ҳам бўлади, аммо улар бардош билан енгиб ўтилади ва шубҳасиз, қўлга киритилган муваффақиятлар янги ютуқлар сари интилишга чорлайди. Кўп минг кишилик авиакомпания жамоаси олдида эса самолёт паркини янада яхшилаш, янги йўналишларни ўзлаштириш, миллий авиакомпания рейсларига янада кўпроқ йўловчиларни жалб этиш ҳамда парвозлар хавфсизлигини ошириш билан боғлиқ мураккаб вазифалар турибди.

Виктор НИКОЛАЕВ, ЎзА мухбири

«SOCIALOOK INTERNATIONAL» САҲИФАЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН МАВЗУСИ

ҲИНДИСТОНДА НАШР ҚИЛИНАДИГАН «SOCIALOOK INTERNATIONAL» ЖУРНАЛИНИНГ 2006 ЙИЛ ДЕКАБРЬ ОЙИ СОНИ ТЎЛАЛИГИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИГА БАҒИШЛАБ ЧОП ЭТИЛДИ.

1974 йилда асос солинган «Socialook International» журнали, асосан, халқаро муносабатлар ва дипломатия ҳамда геосиёсат масалаларини ёритиб келади. У Ҳиндистондаги ҳамда хориждаги расмий, илмий, дипломатия ва экспертлар доираларининг ўқувчилари учун мўлжалланган ойлик нашр ҳисобланади.

Эллик саҳифадан иборат журналнинг ушбу сонида ўзбек жамияти ҳаётининг турли жабҳалари қамраб олинган бўлиб, республикамизда олиб борилаётган ўзгаришлар акс этган қатор мақолалар ўз аксини топган.

Журналнинг дастлабки саҳифаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мамлакатимиз Асосий қонунининг 14 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда сўзлаган нутқи журналхонлар эътиборига ҳавола этилган. Шу билан бирга унда давлатимиз раҳбарининг 2007 йилни Ўзбекистонда «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинишига бағишланган алоҳида мақола ҳам чоп этилган.

Конституциявий суд раисининг ўринбосари Б.Мирбобоевнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва демократик ислоҳотлар», Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори А.Саидовнинг «Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳамда суд ва ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш», Имом ал-Бухорий номидаги республика илмий-маърифий маркази раиси З.Мунавваровнинг «Ўзбекистонда дин ва жамият: тарих, бугун ва келажак» ҳамда «Бағрикенглик ва инсонийлик йўлида» сарлавҳали мақолаларда мамлакат ҳаётининг турли жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида республикамиз Асосий қонунининг ўрни ва аҳамияти очиб берилган.

Журналда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан Олий Мажлисга қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ҳам ўз аксини топган.

Шунингдек, уч нафар таниқли ҳиндистонлик олим ва профессор — Ж.Неру университетидан Санжай Кумар Пандей ва Аджай Патнаик ҳамда «Ҳиндистон – Марказий Осиё» жамғармаси директори, Мудофаа тадқиқотлари ва таҳлили институти эксперти Нирмала Жошининг мақолалари ҳам журнал саҳифаларидан жой олган.

Мақола муаллифлари мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий ислоҳотларни, сиёсий партиялар ролини кучайтириш ҳақидаги Ўзбекистон раҳбарининг ташаббусини, шунингдек, Асосий қонуннинг алоҳида бандларини шарҳлашган.

Жумладан, профессор Санжай Пандей ўзининг «Ўзбекистонда сиёсий партиялар ва демократик тараққиёт тўғрисидаги қонун» сарлавҳали мақоласида таъкидлашича, сиёсий партиялар ролини мустаҳкамлаш бўйича Ўзбекистон Президентининг ташаббуси давлат сиёсий тизимларини ислоҳ этиш ва модернизация қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ҳинд тадқиқотчиси ўзгаришларнинг босқичма-босқичлиги муҳим омил эканлиги хусусидаги фикрларини ўртоқлашар экан, шошма-шошарлик ҳар доим ҳам ижобий натижаларга олиб келмаслигини қайд этади.

«Босқичма-босқич ўзгаришларни рўёбга чиқариш Ўзбекистон тўқнаш келаётган диний экстремизм ва терроризм хавфи туфайли ҳам зарурдир, деб ёзади ҳинд олими. Янги қонун лойиҳалари давлатнинг барча сиёсий тизимларига, шунингдек, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар ҳамда мамлакатни демократик янгилаш суръатларига узоқ муддатли таъсир кўрсатади».

Ж.Неру номидаги университет профессори А. Патнаик фикрига кўра, Ўзбекистон раҳбарининг қонунчилик ташаббуси демократияни мустаҳкамлаш йўлидаги навбатдаги қадам бўлиши баробарида қонунчилик ҳокимияти жамият турли қатламларининг фикр ва манфаатларини ифода этиши учун катта имконият яратади.

«Демократия бобида Ўзбекистон ўз йўлини танлаб олган. Жаҳонда демократиянинг ягона ёки мукаммал бир модели мавжуд эмас. Ҳар бир мамлакат ўзининг ижтимоий-сиёсий ҳаёт тартиби ва қонун-қоидаларидан келиб чиққан ҳолда демократия тараққиёти йўлини ва суръатини ўзи белгилаши лозим. Собиқ шўро иттифоқи мамлакатлари шароитидан келиб чиқиб, демократия томон ҳаракатланиш ташқаридан тиқиштирилган ва бир уриниш билан қабул қилинган модел асосида эмас, балки вақт давомида эришилган тараққиётнинг сифат даражасидан келиб чиққан ҳолда баҳоланиши лозим», деб ёзади ўз мақоласида А. Патнаик.

«Ҳиндистон-Марказий Осиё» жамғармаси директори, Мудофаа тадқиқотлари ва таҳлили институти эксперти Н.Жоши Ўзбекистон Президентининг қонун лойиҳалари сиёсий партиялар ролини ошириш воситасида демократия асосларини мустаҳкамлашга, аҳолининг давлат ва жамоат ишларидаги иштирокини янада фаоллаштиришга қаратилганини қайд этди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига 14 йил тўлиши муносабати билан Олий Мажлис Сенатининг амнистия тўғрисидаги қарори матни ва Конституциявий суднинг «Хорижий сармоядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш чоралари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 10-моддаси биринчи бандини шарҳлаш бўйича қарори ҳам «Socialook International» журнали саҳифаларидан ўрин олган.

Садриддин СУЯРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири
Дехли

Мактабгача таълим муассасаларида

НОАНЪАНАВИЙ УСУЛЛАР ФАОЛ ҚЎЛЛАНИЛАДИ

ЮНУСОБОД ТУМАНИДАГИ «ҚУЁШ» НОМЛИ 301-МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ШАҲРИМИЗДАГИ ИБРАТЛИ БОЛАЛАР ТАРБИЯ МАСКАНЛАРИ СИРАСИГА КИРАДИ. БУ ЕРДА ОБОДОНЛАШТИРИШ, ТОЗАЛИК, ТУРЛИ НОАНЪАНАВИЙ ТАЪЛИМ УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАГАН ҲОЛДА БОЛАЛАРНИНГ АҚЛИЙ ЖИҲАТДАН РИВОЖЛАНИШЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИМИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИ.

Хусусан, ўтган йили ҳомийлар ёрдамида муассаса чиройли таъмирдан чиқарилди, янги мебеллар билан жиҳозланди. Хоналарда турли мавзулар бўйича мукаммал жиҳозланган бурчакларнинг ташкил этилиши ҳам болалар тарбиясида жуда қўл келмоқда.

Таълим муассасасида 6 та гуруҳ мавжуд бўлиб, шундан иккитаси логопедик гуруҳдир. Ушбу гуруҳда нутқида камчилиги бўлган болалар билан логопедлар коррекцион ишларни амалга оширишади. Тарбиявий ишларда Зуҳра Умарова, Дилшода Мансурова, Дилноза Иноғомова каби логопедларга Гулнора Тожиддинова, методист Дилдора Муҳамедова, логопедлар гуруҳи тарбиячилари Муборак Анварова, Дилфуза Сайдалиеваларнинг ўзаро ҳамкорлиги қўл келмоқда.

301-мактабгача таълим муассасасида тумандаги махсус мактабгача таълим муассасалари логопедлари учун уюштирилган «Логопедик ишни ташкил этиш» мавзусидаги навбатдаги тренинг ҳам жуда қизиқарли ва сермазмун тарзда ўтди. Нутқида камчилиги бор болалар билан ишлашга амалий тарзда ёндашиш, бунда ноанъанавий ишларнинг қўллаш, болаларнинг диққати, хотираси, тафаккури ва идрокини ривожлантириш, муассасада юзага келган тажрибаларни оммалаштириш мақсадида ташкил этилган тренингда ўттизга яқин логопедлар ва МТМ раҳбари иштирок этди.

Дастлаб меҳмонларга логопедлар учун меъёрий ҳужжатлар тўплами берилди, ушбу муассасада тарбиячилар қўллайдиган нутқ картаси тарқатилди.

Тадбир доирасида ўрта гуруҳда «Қиш» мавзусида машғулот ўтказилган бўлса, катта гуруҳда «Ўй ҳайвонлари» фронтал машғулоти ташкил этилди. Машғулотларда барча болалар фаол қатнашишди. Тренинг давомида қатнашчилар логопад (нутқида камчилиги бор) болалар билан ишни ташкил этишда ноанъанавий усуллардан фойдаланиш, логоритмика усулини мақсадли қўллаш, МТМда логопедик ишнинг ташкил этилиши, логопад бола билан гуруҳда олиб бориладиган ишлар билан яқиндан танишишди.

Тренингда қатнашган кўпчилик логопедлар ўзлари учун логоритмик усуллардан фойдаланиш ноанъанавий иш кўринишларини қўллаш борасида янгиликларни олганликларини баён этишди.

— Мана шундай ўзига хос машғулотлар ўтиш, болалар онгини ҳар томонлама оширишга интилишгина барчамиз кутган натижа— келгуси авлоднинг баркамол тарзда вояга етишини таъминлайди, — дейди биз билан суҳбатда муассаса раҳбари Муҳтабар Алимтоева.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

СУРАТЛАРДА: 301-мактабгача таълим муассасасида бўлиб ўтган тренингдан лавҳалар

Санъат

ТАЛАБАЛАР ИЖРОСИДА ЯНГРАДИ

КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИДА «ТУРКИСТОН» КАМЕР ОРКЕСТРИНИНГ КОНЦЕРТИ БЎЛИБ ЎТДИ. ДИРИЖЁР ЭЛЬДОР АЗИМОВ БОШЧИЛИГИДАГИ МАЗКУР ДАСТУРДА ЖОЗИБАДОР КУЙ-ҚЎШИҚЛАР МУХЛИСЛАР ЭЪТИБОРИГА ҲАВОЛА ҚИЛИНДИ.

—Камер оркестри концертидан ўрин олган куй ва қўшиқларнинг талабалар ижросида янграши биз учун жуда кувончлидир, — дейди тадбир режиссёри Элдор Азимов. — Бир қанча талабаларимиз ўзларининг овозлари билан чет мамлакатларда ҳам мухлисларига эга бўлиши муҳим ютуқларимиздандир. Умид қиламизки, консерваторияда таҳсил олаётган бўлажак мусиқачи ва қўшиқчиларимиз жаҳон саҳналарида туриб ватанимиз мадҳини баралла куйлайдилар. Бугунги тадбирни эса, талабаларимизнинг ҳисобот концерти деб ҳисоблаш мумкин.

ДАСТУР ВА РЕЖАЛАР АСОСИДА

МАЪЛУМКИ, ЯҚИНДА БУЮК БАСТАКОР, МУСИҚАШУНОС, МАҚОМШУНОС ОЛИМ ЮНУС РАЖАБИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 110 ЙИЛЛИГИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ. ЮКСАК ИСТЕЪДОД ЭГАСИ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАБ ЎТКАЗИЛАЁТГАН ТАНТАНАЛАР ҲАМОН ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Бу ҳақда Ўзбекистон Давлат консерваторияси профессори, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Ҳабибулла Раҳимов бизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Юнус Ражабий ўзбек мусиқа санъатида ўчмас из қолдирган ноёб истеъдод эгаси ҳисобланади. У яратган «Қора кўзим», «Куйгай», «Бухоро шашмақоми» сингари жуда кўплаб куй-қўшиқлар ҳали-ҳануз ўзбек мусиқасининг энг сара асарлари ҳисобланади. Севимли бастакоримиз биринчилардан бўлиб тўққиз жилдли нотани яратган. Бугунги кунда эса, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Санъатшунослик илмий-тақдиқот институти, Ўзбекистон Давлат консерваторияси ўзаро ҳамкорликда турли хил дастур ва режалар тузиб олдик. Ушбу ойда энг аввало «Ражабийхонлик» кечасини ўтказмоқчимиз. Мақом ва мусиқа мавзусига оид икки кунлик илмий-амалий анжуманни ўтказишни ҳам айнан январда мўлжаллаб турибмиз. Шунингдек, мусиқа санъатининг дарғалари Тўхтасин Жалиловнинг 110, Толибжон Содиқовнинг 100 йиллигини муносиб нишонлаш борасида ҳам қатор дастурларни ишлаб чиқмоқдамиз. Улар санъат соҳасида жуда машаққатли меҳнат йўлини босиб ўтдилар. Ўзбек мусиқасининг ривожи ва юксалишига беминнат салмоқли ҳисса қўшдилар. Ўйлайманки, санъатнинг қадрига етган мухлислар уларни ҳеч қачон унутмайдилар. Зеро, мусиқа инсонларга ҳамиша жонбахшлик, кўтаринки кайфият бахш этувчи ва янги-янги кашфиётлар яратишга ёрдам берувчи маънавий озиқ ҳисобланади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

ҲАМШИРАЛИК ТАЪЛИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

МАМЛАКАТИМИЗДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА АҲОЛИГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ, ШИФО МАСКАНЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ БИЛАН БИР ҚАТОРДА ТИББИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ШИФОКОРЛАРНИНГ МАЛАКА ВА МАҲОРАТИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ҲАМ АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЁТИР.

Бу борада тегишли давлат, жамоат ва таълим муассасалари билан бирга тараққий этган хорижий давлатлардаги етакчи илмий-амалий марказлар билан ҳам яқиндан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Японияннинг халқаро ҳамкорлик агентлиги /JICA/ билан биргаликда қарийб уч йилдан буён ҳаётга татбиқ этилаётган «Ҳамширалик таълимини такомиллаштириш лойиҳаси» бунга мисол бўла олади. Лойиҳа доирасида икки мамлакат мутахассислари иштирокида ўзаро тажриба алмашишга йўналтирилган кўплаб семинар-машғулотлар ва давра суҳбатлари ташкил этилди.

Ўзбекистонлик қарийб ўттиз нафар мутахассис Япония тиббиёт тизимидаги ютуқлар билан яқиндан танишди. Биринчи Республика тиббиёт коллежида ҳамширалик таълимини такомиллаштириш маркази очилди. Мазкур билим даргоҳи таълим жараёнида қўлланиладиган замонавий ўқув-амалиёт воситалари билан жиҳозланмоқда.

—Лойиҳа доирасида ҳамширалик иши асослари, аҳолига, жумладан, оналар, болалар, ўсмирлар ва қариялар ҳамширалик ёрдами кўрсатиш, руҳий-тиббий ёрдамга муҳтожларга ушбу йўналишда хизмат кўрсатиш борасидаги мутараққий дунё тажрибасини ўзлаштириш юзасидан муттасил иш олиб борилаётир, — дейди I Республика тиббиёт коллежи педиатрия кафедраси мудири Гулчеҳра Усмонова. — Бу борада таълим жараёнида қўлланиладиган янги ўқув адабиётлари, дастур, дарслик ва қўлланмалар яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шундай саъй-ҳаракатлар самараси ўларок, «Ҳамширалик иши асослари» йўналиши бўйича янги қўлланма яратилиб, таълим жараёнига жорий этилди.

Бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида мамлакатимиз мутахассисларидан тузилган навбатдаги гуруҳ Японияда тажриба ошириб қайтди. Халқаро ҳамкорлик марказида мазкур ташриф якунларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз шифокорлари, тиббий таълим муассасалари педагоглари билан бир қаторда япониялик мутахассислар ва халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Тадбирда ҳамширалик иши асослари юзасидан малака ошириш, болалар, ўсмирлар ва кексаларга ҳамширалик хизмати кўрсатишнинг ўзига хос жиҳатларига бағишланган маърузалар тингланди. Бу борада мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги вазифалар ва жаҳон тиббиётидаги илғор усуллар юзасидан ўзаро тажриба алмашилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

ИЛМИЙ, СТАТИСТИК МАЪЛУМОТЛАРГА КЎРА, 2006 ЙИЛИ ЖАҲОНДА 2 МИЛЛИАРДГА ЯҚИН КИШИ МОБИЛЬ АЛОҚА ТИЗИМИДАН ФОЙДАЛАНГАН. ЎЗБЕКИСТОНДА 2006 ЙИЛНИНГ 1 ЯНВАРИДА БУ ХИЗМАТ ТУРИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ АБОНЕНТЛАР СОНИ 1 МИЛЛИОН 150 МИНГ НАФАРГА ЯҚИН ЭДИ. 2006 ЙИЛНИНГ ОХИРИДА ЭСА, БУ КЎРСАТКИЧ 2 МИЛЛИОН 250 МИНГНИ ТАШКИЛ ЭТГАН. ДЕМАК, ФАҚАТ БИЗНИНГ РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИНА УЯЛИ АЛОҚА ТИЗИМИ БОРАСИДА БИР ЙИЛГИ ЎСИШ СУРЪАТИ 2,17 БАРАВАРГА ОШГАН. БУ ЯХШИМИ, ЁМОНМИ?

Мулоҳаза

УЯЛИ ТЕЛЕФОНДАН ЖЎЯЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАДАНИЯТИ

Албатта, бунинг ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатлари бор. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда каттами - кичик, кимни кўрманг, қўлида уяли телефони бор. Шундай экан, у хоҳлаган жойида, вақтида хоҳлаган одами билан бемалол алоқага чиқиши, боғланиши мумкин. Бу яхши. Лекин унинг кўпчилик ичида, шовқин-суронда бақириб-чақириб, узундан узоқ сўзлашиши, хохолашиб ҳазил-мутойиба қилиши, баъзан асабийлашиб телефон орқали нариги томондаги одамга турли пойинтар-сойинтар топшириқ, кўрсатмалар бериши инсоний одобданми, маданият белгисими? Бизнингча, бу ўтакетган бемаънилик, маданиятсизлик, қолаверса, мақтанчоқликдан бошқа нарса эмас.

Биз бу билан уяли телефонда гаплашманг, демоқчи эмасмиз, асло. Лекин телефонда гаплашишнинг ҳам қандайдир тартиби, қоидаси, меъёри бўлиши керак-да! Гаплашишинг жуда зарур бўлса, қиска, мазмунли сўзлаш, қолган гапни юзма-юз кўришганингда айтарсан. Нима қиласан, телефонинг борлигини ҳаммага пеш қилиб, одамларнинг эътиборини ўзингга тортиб! Ўйлайсанки, бу хатти-ҳаракатинг билан одамлар ичида мартабанг ошди, обрўйинг кўтарилди. Йўқ,бунинг акси бўлди. Шунчалик қимматбаҳо, ноёб алоқа воситасини сотиб олишга қурби етган одамда, озгина камтарлик, дид-фаросат,андиша етишмади, очиғи танқислик қилди, афсус.

Дейлик, зарурат юзасидан бирор жойга тезроқ етиб бориш мақсадида кўча-кўйда енгил машинами, таксига тушдингиз. Лекин кўзлаган манзилингизга эсон-омон етиб боргунингизча юрак ўйноғида бўласиз. Сабаби, ҳайдовчининг хаёли жойида эмас. Унинг қўли рулда, кўзи йўлда, қулоғи ёнидаги тиқ этса жиринглайдиган уяли телефонида! Айтайлик, тирбанд чорраҳада, ёки катта тезлик билан кўчада кетаётган ҳайдовчи телефонда бирор яқин кишисининг саломатлиги ёмонлашгани, унинг тўсатдан вафот этгани, ёки уйига сув тошибми, ўт тушгани ҳақида нохуш хабар эшитди. Табиийки, ҳайдовчи кучли таъсирланиши оқибатида ўзини йўқотиб, саросимага тушади, унинг машинани бошқариш қобилияти сусаяди. Натижада катта тезликда кетаётган машинани бирданига тўхтатиши, ёки унинг тезлигини ошириб юбориши мумкин. Демак, у бундай ҳолатда нафақат ўзи, балки атрофдаги пиёдалар, йўловчилар, орқасидан турна қатор келаётган машиналар учун ҳам катта хавф-хатар, туғдириб бирор фалокат,ҳалокат содир этиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Афсуски, бундай кутилмаган, кўнгилсиз воқеа, ҳодисалар ҳаётда тез-тез учраб турибди. Аниқ маълумотларга қараганда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2006 йилнинг 10 ойи мобайнида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларига асосан ҳайдовчиларнинг машина ҳаракатини бошқариш жараёнида нимадандир чалғишлари, аниқроғи,уяли телефон тизимидан зарур, нозарур фойдаланганликлари сабаб бўлмоқда. Бундай ҳолатлар аслида қоидабузарлик ҳисобланади. Бунинг олдини олиш ҳаёт тақозоси, давр талаби эканлигини барча кексаю ёш фуқаролар албатта билиши шарт ва мажбуриидир.

Кўпгина ҳорижий мамлакатларда транспортни бошқараётган ҳолатларда ҳайдовчининг уяли алоқа воситаларидан фойдаланиши қатъий тақиқланган ва бу назоратчилар томонидан аниқланса, албатта унга жарима солинади.

Интернет маълумотларига кўра, Францияда руль бошқараётган ҳайдовчи уяли телефон алоқасидан фойдаланса, 50-70 АҚШ доллари миқдорида жарима тўлайди. АҚШ-ликлар эса, 150 доллар тўлашади. Польшада бу миқдор 1200 АҚШ долларигача белгиланган. Португалия, Германия ва Россияда ҳам бу жарима миқдори анчайин каттагина.

Тўғри, ҳозирги пайтда уяли алоқа воситаларининг турлари, айнан ҳайдовчилар учун қулай бўлган русумлари ҳам мавжуд. Лекин нима бўлганда ҳам транспортни бошқариш чоғида ҳайдовчининг фикри-хаёли бошқа нарса билан чалғиши туфайли йўл-транспорт ҳодисаларининг содир бўлишининг олти бараваргача ошишини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди, бу ҳақиқатдан ҳеч ким кўз юма олмайди.

Республикамизда ҳам бу масалага жиддий эътибор берилаётгани айни муддао бўлди. Транспорт воситаларини бошқариш пайтида ҳайдовчиларнинг уяли алоқа воситаларидан фойдаланиши муносабати билан турли авариялар, бахтсиз ҳодисалар рўй бериши эҳтимолини имконият даражасида камайтириш, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкини ҳимоя қилиш мақсадида парламентимиз муҳим ҳужжат қабул қилди. Бу ***"Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"***ги Қонундир. Мазкур Қонунга мувофиқ, 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб, мамлакатимиздаги ҳайдовчиларнинг транспорт воситасини бошқариш чоғида уяли алоқа тизимидан фойдаланиши қатъиян тақиқланади. Қонун талабларини сўзсиз бажариш ва уни ҳаётга татбиқ этиш эса, барча фуқароларнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Бу кўтарилган муаммонинг бир жиҳати холос. Уяли алоқа телефонларининг инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатаётгани ҳақида ҳам илмий-тиббий далиллар, кузатувларнинг натижалари бор. Аввало, шуни айтиш жоизки, ривожланган хорижий мамлакатларда одамлар уяли алоқа тизими орқали бизга ўхшаб узундан узоқ гаплашишмайди, улар телефонда қиска, 30 сония- 1 дақиқа атрофида сўзлашишади холос. Ҳамма бало шундаки, уяли телефонлардан тарқалаётган нурланиш, катта частотали электромагнит тўлқинлари таъсирида, шунингдек, алоқа воситасидан ноўрин, узоқ ва мунтазам равишда фойдаланиш оқибатида бош мияда, суяк тўқималари, баъзи муҳим аъзоларда жиддий ўзгаришлар, зарарли шишлар, ўсимталар пайдо бўлмоқда.

Швециядаги Каролинск институтида ўтказилган кузатувларга асосан, уяли телефонларнинг 10 дақиқа ва ундан зиёд вақт мобайнида ишлатилиши оқибатида қулоқ асаб толаларида ***еврилеммома*** номли, ҳозирча безарар ўсманинг ривожланиши аниқланган. Ушбу турдаги ўсма уяли телефонни кўпроқ ва тез-тез тутилувчи калланинг ўнг ёки чап қисмида юзага келади. Агар мобиль телефони доимо калланинг бир нуқтасига тутиларверса, ўша томонда ўсманинг тезроқ ривожланиш имконияти тахминан 4 маротаба ортар экан. Бундан ташқари, бошқа маълумотларга кўра, уяли телефонларни кўпинча ён чўнтакда, камар билан белга боғлаб юриш, уни кечаси ёстиқ остига қўйиб ухлаш таъсирида ҳам нафақат калла, балки тоссон суяклари, буйракларнинг зарарланиши, турли қон касалликлари, жинсий ожизлик, бепуштлик каби хасталикларнинг келиб чиқиш эҳтимоли кузатилгани маълум.

Биз келтирган ушбу маълумотлар олимлар томонидан корхона, ташкилот, уй-жойлардаги рақамли телефонлардан фойдаланган одамларда учраши ҳақида ҳозирча тўлиқ, исботланган далиллар тақдим этилмаган. Лекин оқибатлар ўхшашлиги борасида тахминлар ҳам йўқ эмас. Буни телевизорлар, компьютерларнинг одамлар сиҳат-саломатлигига салбий таъсири мисолида ҳам кўриш мумкин.

Айтмоқчимизки, ҳар бир техник янгилик ҳамда воситани безарар қўллаш, ишлатишнинг белгиланган қонун-қоидалари, тартиби бор. Уларга қатъий риоя қилиш зарур холос.

Уяли алоқа тизими воситаларидан оқилона, жўяли фойдаланишгина бизнинг мушкулимизни осон, узоғимизни яқин қилишини асло унутмайлик, азизлар. Акс ҳолда, ундан нотўғри ва самарасиз фойдаланиш, келтирар фақат зарар ва ташвиш!

Искандар РАҲМОН,
Фуқаро муҳофазаси институтининг катта ўқитувчиси.

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Донолар яхши ёки ёмон хулқли бўлишни оилага боғлайдилар. Уларнинг айтишларича, бузуқ хотиндан туғилган ва разил ота қўлида тарбияланган фарзанддан яхшилик кутиш қийин. Чиройли хулқ офтобга ўхшайди, офтоб музни эритгани ёки сув тузни эритиб юборгани каби чиройли хулқ ҳам барча ёмонликларни эритиб юборади.

Абулбаракот ҚОДИРИЙ

Онадан тарбия кўрмаган қиз ёмон,
Отадан таълим олмаган ўғил ёмон.

"Кўрқит Ота китоби"

Ҳар кимки илм-ҳикматни ўрганаман деса, уни ёшлигидан бошласин, саломатлиги яхши бўлсин, яхши ахлоқ ишлардан сақланадиган бўлсин, хиёнат, макр-ҳийладан узоқ бўлсин.

Абу Наср ФАРОБИЙ

Мураббийси бўлмаган одамни ҳаёт ўзи тарбиялаб қўяди.

"ОТАЛАР сўзи"

Ҳаёли киши имонлидур, имонлилар жаннатийдир.

Ҳамма ишларингизда тўғри бўлинг, одамларга муомалада хулқингиз чиройли бўлсин.

Одами ақлу назокатда сулув,
Бўлса ахлоқи садоқатда сулув.

Анбар ОТИН

Истеъдод эгаларини тарбиялаш шундай бир кимёдирки, у қора тупроқни тоза олтинга, ноқис бошни эса айбсиз гавҳарга айлантиради. Чунончи айтадилар:

Тарбиядан тупроқ гавҳар бўлади.
Ноф ичра қон мушки асғар бўлади.
Қийматсиз қора бир темирни иксир,
Тарбия айлагач соф зар бўлади!

Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ

Истеъдод эгасини тарбиясиз қолдирмоқ зулмдир. Истеъдодсиз кишини тарбиялаш эса умрни зое ўтказишдир. Байт:

Кишида бўлмаса агар истеъдод,
Минг ҳийла қил таълим кор қилмас асло.

Муиниддин ЖУВАЙНИЙ

Кимики ахлоқи зоҳири хушдур,
Ани ҳаргиз ёмон гумон қилма.

ОРАЗИЙ

Азизим, ҳунар аҳлининг тарбиясига саъй-ҳаракат қил. Ҳунарсиз кишиларга отасининг хизматлари туфайли эътибор қилма! Одамларни отасининг хизматлари туфайли эмас, ўзларида бўлган қобилият туфайли тарбиялаш лозим! Байт:

Ўликдир ҳаётда ҳунарсиз киши,
Ҳунарсиз бўлгандан ўлгани яхши!

Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ

Отага итоат — Оллоҳга итоат қилишдир.

Одамларга таом едиринглар ва ширинсўз бўлинглар.

ҲАДИС

Таълим фақат сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса амалий иш, тажриба билан бўлади.

Абу Наср ФАРОБИЙ

Сабабсиз кулги — беодоблик белгиси.

"ОТАЛАР сўзи"

Ҳар ким агар ёшлигидан беодоб кишилар ичида ўсиб-улғайса, катта бўлгач унинг вужудига ўрнашиб олган бадфеъллик иллатини чиқариб ташлаш қийин бўлади.

Гўдакликдан ёмон феълга ўрганса,
Юз меҳнат-ла уни кам қилиб бўлмас,
Яхши йўлга солай дебон уринма.
Ўсиб қотган шохни хам қилиб бўлмас!

Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ

Керак тарбият ёшликдан керак,
Улуғ бўлса лозим келур ғам емак.

Абдулла АВЛОНИЙ

Одобсизлик ота-она уйини хароб қилади.

"ОТАЛАР сўзи"

Болага отанинг меҳнати сингган бўлса,
Сўнг у боланинг хулқ-атворида билинади.
Ота болани назоратда тутса,
У яхши, эзгу бўлади.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

Беодоблик шундай селки, у обрў ва виқор қасрини қўпориб, идрок бўйнини ҳар хил арқонлар билан боғлаб ташлайди. Оқил кишиларнинг айтишича, одоб риояси шундай сурмаки, унинг гардидан ҳар бир кишига сурса, эътибор кўзининг равшанлиги ҳеч қандай сабаб билан заифлик ва иллатга йўлиқмайди. Замоннинг катта-кичиклари унинг ҳузурини меҳру муҳаббат базмининг чироғи, деб биладилар. Кундан-кунга иқболининг юлдузи юксакликка кўтарилаверади.

Кишида барча ахлоқи ҳамида,
Чу жамъ ўлди қўйрлар отин эҳсон.
Бири ондин саходур, бири мурувват,
Булар гар йўқтур, инсон эрмас инсон.

НАВОИЙ

ҲИКОЯТ. Хушёрликнинг кимё табиатли саррофлари бу ҳикоятнинг бебаҳо олтинини шундай пул қилиб чекадиларки, бир куни Бағдод вилоятида бир неча бола бир кўчада ўйин билан машғул эдилар. Ўша шаҳарнинг ҳокими дам олиш мақсадида отга миниб, ўша кўчадан ўтиб борарди. Ҳоким у ерда зоҳир бўлгач, бир бола ақлининг муаллими кўмагида бу ҳолни сезиб, ўрнидан турди ва одоб юзасидан чеккага чиқиб, девор остида турди. Бошқа болалар эса ҳеч нарса сезмагандек туравердилар. Қизғин ўйиндан эса тўхтамадилар, буни кузатиб турган подшога бу боланинг ҳаракати ёқди. У отини бола томонга бир оз юргизиб, унинг диққатини ўзига қаратди. Уни имтиҳон қилиб кўриш мақсадида қўлидан узугини чиқариб, болаларнинг ўртасига отди ва деди: "Кимки узукни олдинроқ топиб келса, шоҳона ҳадя олади". Болалар олдинроқ узукни топишга ҳаракат бошладилар. Ногоҳ биттаси топиб, уни подшога олиб келди. Ҳалиги бола эса ўз оёғини одоб чегарасидан чиқармай, жойидан жилмай турарди.

Фикр гар яхши тарбият топса,
Ханжар, олмосдан бўлур ўткур.
Фикрнинг ойнаси ўлурса занг,
Руҳи равшанзамир бўлур бенур.

Абдулла АВЛОНИЙ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ тайёрлаган

ЛЕЙПЦИГДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ ДОИМИЙ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛАДИ

ГЕРМАНИЯНИНГ ЛЕЙПЦИГ ШАҲРИДАГИ ЭТНОГРАФИЯ МУЗЕЙИГА 1874 ЙИЛИ АСОС СОЛИНГАН БЎЛИБ, У ЖАҲОННИНГ ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ ЙЎНАЛИШИДАГИ ЙИРИК ВА НУФУЗЛИ МУЗЕЙЛАРИДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ. УНДА ДУНЁНИНГ БАРЧА МИНТАҚАЛАРИ ХАЛҚЛАРИНИНГ МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИНИ ЎЗИДА АКС ЭТТИРУВЧИ ТУРФА ХИЛ ВА НОЁБ ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ НАМУНАЛАРИ ТЎПЛАНГАН.

Музей раҳбарияти бу ерда ўзбек халқининг маданияти ва санъатига бағишланган доимий фаолият кўрсатадиган кўргазмани ташкил этишга қарор қилди. Мазкур лойиҳа Бухоро вилояти ҳокимлиги ва мамлакатимизнинг Германиядаги элчихонаси кўмагида амалга оширилмоқда.

Яқинда Лейпцигда Ўзбекистон халқ амалий санъати намуналари тўпламини ушбу музейга тақдим этишга бағишланган маросим бўлиб ўтди. Тадбирда шаҳар маъмурияти вакиллари, музей раҳбарияти ва унинг ходимлари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Маросим қатнашчилари Ўзбекистон маданий ва тарихий ривожланишининг асосий босқичлари билан, шунингдек, мамлакат раҳбариятининг маънавий, тарихий ва маданий меросни тиклаш ва авайлаб-асраш юзасидан олиб бораётган сиёсати билан танишдилар.

Музей директори К.Даймель ўзбек халқ амалий санъати намуналари тўпламининг тақдим этилиши музей тарихида унутилмас воқеа бўлиб қолишини таъкидлар экан, бу шаҳар аҳолиси ва меҳмонларига Ўзбекистоннинг бой маданияти ва анъаналари ҳамда унинг замонавий ҳаёти билан яқиндан танишишлари учун қулай имконият яратишини қайд этди.

Маросимда сўзга чиққан этнология ва Шарқ маданияти бўйича эксперт Дореен Бур ўзбек халқи кўп асрлар давомида ўзининг бетакрор амалий санъати анъаналарини кўз қорачиғидек авайлаб-асраб, уларни авлоддан авлодга ўтказиб келаётгани ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

— Ишончим комилки, режалаштирилаётган кўргазма икки томонлама маданий ҳамкорлик муносабатлари чуқурлашишига янги туртки бериши билан бирга икки дўст мамлакат халқларининг янада яқинлашувига муносиб ҳисса қўшади, — деди Бур хоним.

«Жаҳон» АА
Берлин

Маданият

«СЎҒДИЁНА»НИ ҲИНД ЭЛИДА ОЛҚИШЛАШДИ

ЯҚИНДА ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ ФЕРУЗА АБДУРАҲИМОВА БОШЧИЛИГИДА «СЎҒДИЁНА» ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ЧОЛҒУ КАМЕР ОРКЕСТРИ ЖАМОАСИ БИР ҲАФТА ДАВОМИДА ҲИНДИСТОНДА ГАСТРОЛЬ САФАРИДА БЎЛИБ ҚАЙТИШДИ.

Мазкур гастроль Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ва маданий алоқаларни ривожлантириш тўғрисидаги шартномага биноан ташкил қилинди. Жамоа ушбу мамлакатда бўлган пайтда Дехли, Лакхнау ва Жайнур шаҳарларида ўзбек ва ҳинд бастакорлари мусиқаларидан тузилган концерт дастурларини намойиш этиб ҳинд халқининг олқишига сазовор бўлди. Айниқса, жамоанинг Лакхнау шаҳридаги сафари унутилмас кечди. Бу ерда маҳаллий мусиқа ва рақс институти ҳамда Ўзбекистон Давлат консерваторияси ўртасида маданий алоқаларни ўрнатишга келишиб олинди. Сафар давомида консерваториянинг чет тиллар кафедраси мудири З.Насруллаев ижросидаги ҳинд қўшиқлари барчани лол қолдирди. Гастроль сафари якунида ўзбек санъаткорлари Агра шаҳрида бўлиб, Тожмаҳални зиёрат қилдилар.

Содиқ УМАРОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти (кейинги ўринларда — Суд департаменти)нинг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш бўйича танловда қатнашиш учун савдо ташкилотлари (юридик шахслар)ни ОЧИҚ ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

1. Умумий шартлар

Танлов ташкилотчиси — Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси.

Очиқ танловга суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни (кўчмас мулк ва автомототранспорт воситаларидан ташқари) сотиш билан боғлиқ хизмат кўрсатиш қўйилади.

Ўтказилаётган конкурснинг мақсади — суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаб олиш.

Танлов ўтказиш Комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия) томонидан танловда қатнашиш учун берилган ариза ва ҳужжатларни кўриб чиқиш Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси биносида (Тошкент шаҳар, У.Юсупов кўчаси, 3-уй) 2007 йил 1 февраль кунидан ҳар куни соат 10.00 да бошланиб то соат 17.00 га қадар амалга оширилади.

1) С.Раҳимов, Шайхонтоҳур, Юнусобод туманлари ҳудудлари бўйича 2007 йил 26 февраль кунлари;

2) Ҳамза, Миробод, Бектемир, Мирзо Улуғбек туманлари ҳудудлари бўйича 2007 йил 27 февраль кунлари;

3) Сирғали, Яккасарой, Чилонзор, Учтепа туманлари ҳудудлари бўйича 2007 йил 28 февраль кунлари танлов ўтказилиб, танлов натижалари бўйича ғолиблар аниқланади.

2.Танлов шартлари ва танлов ғолибларини аниқлаш мезонлари

Танловда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган, турғун савдо шахобчаси ва назорат-касса машинаси мавжуд юридик шахслар қатнашишлари мумкин.

Қуйидаги юридик шахслар танловга қатнашишга қўйилмайдилар:

— қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкрот арафасида бўлган;

— олти ойдан кам муддат давомида фаолият юритаётган;

— охирги 2 йил ичида ижро ҳужжатлари асосида хатланган мол-мулкни сотиш юзасидан тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги сабабли шартнома бекор қилинган бўлса.

Танловда ғолиб чиқишнинг асосий мезонлари:

— истеъмолчи учун жойлашган жойининг қулайлиги (вилоят ва туман (шаҳар) марказлари, бозорлар ва ҳоказоларга яқинлиги);

— мол-мулкларнинг сақланишини, туркумланишини, сортларга ажратилишини ва бутланишини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг мавжудлиги;

— мажбуриятлардан холи бўлган пул маблағлари;

— мавжуд яроқли техникаси;

— ходимларининг малакаси ва иш тажрибаси;

— кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмасининг пастлиги.

3. Танловда иштирок этиш учун тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар

— Комиссия номига ариза;

— давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

— савдо ташкилотининг олдинги ҳисобот йили учун тегишли давлат идораларига берилган бухгалтерлик баланси (1 ва 2-шакллар) нусхаси;

— савдо ташкилотида назорат касса машинасининг мавжудлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органларининг маълумотномаси;

— савдо дўконига бўлган мулк (ижара) ҳуқуқининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

— савдо дўконининг жойлашган жойи тўғрисида маълумот, унинг қисқача тавсифномаси ва 10х15 ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойнинг атроф кўриниши, умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилиши керак);

— мол-мулкларнинг сақланиши, туркумланиши, сортларга ажратилиши ва бутланишини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг қисқача тавсифномаси, шунингдек 10х15 ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойнинг умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилади) ва уларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар;

— савдо ташкилоти ходимлари ва уларнинг иш тажрибаси тўғрисида маълумот;

— талабгорнинг мажбуриятлардан холи пул маблағлари мавжудлиги тўғрисида банк маълумотномаси;

— талабгорга тегишли ҳамда ижро ҳужжати бўйича мол-мулкни сотишда иштирок этиши мумкин бўлган яроқли транспорт воситаларига оид ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар ҳамда уларнинг техник тавсифи;

— кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмаси миқдори тўғрисида таклиф (10 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда).

Алоҳида турдаги фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома ёки лицензия талаб қилинган ҳолларда, шунингдек нотариал тасдиқланган рухсатнома ёхуд лицензиянинг нусхаси ҳам тақдим этилади.

Талабгорлар мазкур эълонда белгиланган баҳолаш мезонларини тасдиқлаш учун зарур бўлган бошқа қўшимча ҳужжатларни тақдим қилишлари мумкин.

Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар савдо ташкилоти номидан ҳаракат қилувчи вакил томонидан топшириладиган бўлса унда унинг ваколатларини тасдиқловчи ва тегишли тартибда расмийлаштирилган ҳужжат бўлиши керак.

Аризага талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг рўйхати имзоланган ҳолда илова қилинади.

Савдо ташкилоти қайси ҳудудда фаолият юритаётган бўлса ёки танлов ўтказилаётган туман (шаҳар)га яқин жойлашган бўлса, ушбу ҳудуд бўйича ўтказиладиган танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар тақдим этиши мумкин.

Юқорида белгиланган ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши ва мазмуни Ўзбекистон Республикаси қонунлари талабларига жавоб бериши лозим.

4. Талабгорлар томонидан тақдим этилган ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш тартиби

Ариза ва ҳужжатлар қабул қилиниши ҳудудлар бўйича ўтказиладиган танловдан 5 кун олдин тўхтатилади, ариза ва ҳужжатларни Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси биносида.

(Тошкент шаҳар, У.Юсупов кўчаси 3-уй, тел: 142-50-66, 142-54-94, 142-16-38) Комиссия ишчи органи — ҳудудий бошқарманинг статистика ва таҳлил бўйича сектори (инспектори) томонидан.

Аризага илова қилинган ҳужжатлар шахсан, курьер ёки алоқа бўлими орқали ёпилган конверт билан мазкур эълонда кўрсатилган манзил бўйича «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш бўйича танлови»га деган белги билан юборилиши керак.

Алоқа бўлими орқали юборилган ҳужжатлар ишчи орган уларни рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб келиб тушган ҳисобланади.

Белгиланган муддатда тақдим этилмаган ёки мазкур эълоннинг 2-банди 2-хатбошида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, танловга тақдим этилган ҳужжатлар қайтарилмайди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бош бошқармаси Тошкент шаҳрида нишонланадиган байрамларга, тадбирларга шаҳарни бадиий безаш бўйича

ТЕНДЕР ЎТКАЗАДИ

Тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи рассом, дизайн, бадиий безаш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин:

Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 11-уй, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бош бошқармаси.

Телефонлар: 133-79-22, 133-60-66.

Мунажжим башорати

РЎЗҒОРГА КЎПРОҚ ЭЪТИБОР ҚИЛИНГ

26 ЯНВАРЬ, ЖУМА

Куннинг биринчи ярмида чапдастлик ва сўзамоллик қўл келса, иккинчи ярмида рақобатчилик ва ортиқча тиришқоқлик ҳолатлари устунлик қилади. Бу – Қуёшнинг шу вақт ичида Қовға буржининг 6-даражасидан 7-даражасига ўтиши билан боғлиқ экан.

Интеллект сайёраси Меркурий ва сир-асрорлар сайёраси Нептун қувватларининг бирлашиши хотиранинг заифлашиши, онг-шуурнинг сезиларли чалкашиб кетиши ҳамда муҳим ҳужжатларни расмийлаштиришда жиддий хатоликларга йўл қўйиш хавфини келтириб чиқаради. Қуёшимиз бугун бизни дам олиш ва рўзғор ишларига кўпроқ вақт ажратиш ва эътибор беришга ундайди.

Ой сайёрасининг бугунги ҳолати кунни алдовлар ва васвасалар кунига айлантириши мумкин. Шунинг учун уни хотиржам ва осойишта, оддий ишлар билан машғул бўлиб ўтказиш талаб этилади.

БУГУН:

— ижодий ва тадқиқотчилик ишлари билан машғул бўлиш;

— ўз олдингизга аниқ мақсадлар қўйиб ишлаш;

— мақсадга эришиш учун бутун кучбилимингизни сафарбар этиш;

— бошлиқлар ва ўзингиз қадрлайдиган кишилар билан мулоқотда бўлиш;

— характерингиз ва ирода кучингизни намоён этиш тавсия этилади.

Ҳиссиётлар таъсирига берилиш, шахсий ижобий ва салбий қарашларингизга аҳамият бериш, кишилар ҳақида уларнинг кийимлари ва кўринишларига қараб фикр юритиш, ўз имкониятларингизга шубҳа билан қараш, бошқаларга нисбатан гумондор бўлиш, ўтган гап ва ҳодисаларни эслашни маслаҳат бермаймиз.

Кийимларнинг кумушранг-ҳаворанг, кўк ранглар мажмуидан иборат ёрқин бўлмаган ва ранги "ювилиб кетган"лари бугунги кун руҳига мос келади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 07

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4398 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6